Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
20-dekabr,
seshanba

№ 152
(3813)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабр куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бағишлайди.

Сайловда ишончли ғалабангиз Ўзбекистон халқининг Сизга ва Сизнинг раҳбарлик салоҳиятингизга бўлган юксак ишончининг ифодасидир. Сизнинг доно раҳбарлигингизда Ўзбекистонда тараққиёт ва фаровонлик йўли давом эттирилишига ишонаман.

Покистон Ўзбекистон билан дўстлик муносабатларини ғоят юксак қадрлайди. Бу алоқалар кўп асрлик диний, маданий ва тарихий ришталар билан мустаҳкамланган. Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам янада ривожланиб бораверишига аминман. Бу борада Сиз билан яқин ҳамкорлик қилишга тайёрман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлик ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Самимият билан,

Муҳаммад Навоз ШАРИФ,
Покистон Ислом Республикаси Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин дилдан самимий табриклаб, халқингиз фаровонлиги ва равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Самарали ҳамкорлик ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларимизни инобатга олиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқларимизнинг манфаатларига хизмат қилиш мақсадида барча соҳалардаги ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтариш учун Сиз билан ҳамкорликни давом эттиришга тайёрман.

Самимият билан,

МУҲАММАД VI,
Марокаш Қироли

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Малайзия ҳукумати ва халқи номидан Сизни Президент сайловида ғалаба қозонганингиз билан самимий муборакбод этаман.

Сайловдаги ишончли ғалабангиз Ўзбекистон халқининг Сизга мамлакатни янада тараққий эттириш, фаровонлик ва тинчликни мустаҳкамлашга қодир раҳбар сифатида юксак даражадаги ишончидан далолатдир.

Ўзаро самарали муносабатларни янада кенгайтириш мақсадида яқин ҳамкорлик қилиш учун Сиз билан учрашишни сабрсизлик билан кутаман.

Дўстона муносабатларимиз бундан буён ҳам ривожланиб, халқларимиз манфаати йўлидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олишига аминман.

Ҳурмат билан,

Дато Сри Моҳд НАЖИБ,
Малайзия Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан Хорватия Республикаси фуқаролари ва шахсан ўз номимдан муборакбод этаман.

Ушбу масъулиятли лавозимда мамлакатингиз тараққиёти ва халқингиз фаровонлиги йўлида муваффақиятли фаолият олиб боришингизга ишонаман.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ҳамкорлигимизни, хусусан, иқтисодиёт соҳасидаги алоқаларимизни янада кенгайтириш мақсадида Хорватия — Ўзбекистон муносабатларини изчил ривожлантиришимизга ишончим комил.

Жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Колинда ГРАБАР-КИТАРОВИЧ,
Хорватия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан Фаластин давлати, халқи ва шахсан ўз номимдан чин дилдан самимий табриклашга рухсат бергайсиз. Ўзбекистон халқининг эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳурмат ришталарини қадрлаймиз, халқларимиз умумий манфаати йўлида барча соҳалардаги муносабатларни бундан буён ҳам кенгайтириш ва ривожлантиришга тайёрмиз.

Ўзбекистон Республикаси Фаластин халқини доимо қўллаб-қувватлашини юксак қадрлаймиз.

Жаноби Олийлари, энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон ва унинг халқига тараққиёт, фаровонлик тилайман.

Маҳмуд АББОС,
Фаластин Давлати Президенти,
Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

«Чайна рейлвей танел груп» бошқаруви раиси — **Юй Баолин**

Япония фан ва технологиялар агентлиги президенти — **Мичинари Хамагучи**

«Агротек» компанияси президенти, жамоат арбоби (Австрия) — **Борис Кандов**

Германия — Ўзбекистон жамияти президенти — **Вольф Бауэр.**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси

Сифатли ва арзон

«Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси томонидан пойтахтимиздаги деҳқон бозорларида байрамолди савдо ярмаркалари ташкил этилди. Янги йил дастурхони учун харид қилинадиган барча маҳсулотлар нақд пул ҳамда пластик карточкалар орқали сотилмоқда.

— Кейинги ўн кун оралиғида пойтахтимиздаги йирик бозорларда уч минг тонна атрофида картошка, қарийб 100 тонна гуруч, 370 тоннадан ортиқ пиёз сотилди, — дейди «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси раиси ўринбосари Неъматжон Аҳмаджонов. — Шунингдек, 550 миллион сўмликдан зиёд мева-сабзавот, товуқ гўшти, сут, гўшт ва мева-сабзавот консервалари, қандолат маҳсулотлари, ёрмалар, балиқ ва балиқ консерваларини арзон нархларда аҳолига етказиб бермоқдамиз.

Таъкидлаш жоизки, қиш бошланиб, пишиқчилик мавсумидан анча узоқлашган бўлсак ҳам, юртимиз бозорларида сархил мева ва полиз маҳсулотларининг мўл-кўллиги кўзни қувонтиради. Шу кунларда деҳқон бозорлари гавжумлашиб, тўкинлик янада ошган. Нархларда доимий барқарорлик. «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмасидан маълум қилишларича, қишбаҳор ойларида ички истеъмол бозорига босқичма-босқич етказиб бериш мақсадида мамлакатимизда 660 минг тоннадан зиёд асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирага жамғарилган. Жумладан, уюшма тизимидаги савдо-тайёрлов корхоналари омборларига 100 минг тоннадан зиёд маҳсулот ғамланган. Қарийб 27 минг тонна картошка, 16 минг тонна пиёз, 12 минг 600 тонна сабзи, салкам 11 минг тонна мева, 5 минг тоннадан зиёд полиз, 22 минг тоннадан ортиқ гуруч ва дуккакли маҳсулотлар шулар сирасидандир.

Уюшма тизимидаги савдо-тайёрлов корхоналари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 80 дан ортиқ, жумладан, Тошкент шаҳридаги Авиасозлар, Наврўз, Фарҳод, Олой ва Сирғали деҳқон бозорларида байрамолди ярмаркасини ташкил этди. Мисол учун, Наврўз деҳқон бозорига «Водий саховати агроинвест улгуржисавдо», «Қашқадарё улгуржи савдо инвест», «Хоразмозиқовқатмоллари» масъулияти чекланган жамиятлари бириктирилган. «Тўрткўл», «Юксалиш улгуржи савдо экспорт», «Янгийўл озиқ-овқат савдо» масъулияти чекланган жамиятлари Сирғали деҳқон бозорида ўз сархил маҳсулотлари билан бозор файзини янада оширмоқда.

Расталардаги картошка, пиёз, сабзи, гуруч, кенг ассортиментдаги озиқ-овқатлар, қайта ишланган маҳсулотлар ва ичимликлар ўзининг сифати ва мақбул нархи билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

— Бободеҳқонларимизнинг самарали меҳнатлари туфайли айни кунларда ҳам бозорларимизда сархил мева-сабзавотларни арзон нархларда, танлаб харид қилиш имконияти мавжуд, — дейди Олой деҳқон бозоридан маҳсулот харид қилаётган Мавлуда Оллоёрова. — Ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам кўпайиб, сифатли маҳсулотлар мўл-кўл бўлмоқда. Маҳсулотлар сифатли, нархи ҳам арзон. Буларнинг барчаси юртимизда оилалар мустаҳкамлиги, халқимиз фаровонлиги зиёда бўлишига хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳар деҳқон бозорларини тартибга солиш, санитария ҳолатини яхшилаш, асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархини барқарор сақлашни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар режаси асосида ташкил этилган ушбу ярмаркалар 5 январга қадар давом этади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Халқ ишончи — олий саодат

Биз катта умидлар ва улуғ ниятлар билан 2017 йилга қадам қўйишга чоғланмоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2017 йилни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилар экан, бундан кўзланган мақсаднинг асосий тамойилларини ҳам аниқ баён этиб берди.

Маърузада таъкидланганидек, Бош қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўла мос келади. Ўтган 24 йил мобайнида Конституциямиз, конституция асосида қабул қилинган 400 га яқин қонунлар ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақиллик эълон қилинган 1991 йилда оддий гугурт ёки михни ҳам четдан олиб келар эдик десак, бозорларимиз ва дўконларимиздаги тўкинчиликдан баҳраманд бўлиб, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автоуловларни елдириб юрган бугунги ёшлар ишонмасликлари мумкин. Лекин уларнинг боболари, оталари ва акалари чорак аср ичида Ўзбекистонни дунёнинг юқори суръатлар билан ривожланаётган бешта давлати қаторига олиб чиқишда мислсиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

1994 йил Американинг Арландо шаҳрида ўтган бир халқаро анжуманда менга сўз беришганида йиғилишда қатнашаётган элликдан ортиқ мамлакатдан келган вакилларнинг кўпчилиги дунёда Ўзбекистон деган давлат борлигидан мутлақо хабарсиз эканликларини кўриб жуда ҳайрон қолганман. Бу йил Бразилияда ўтган ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида вакилларимиз эришган ғалабалар Ўзбекистоннинг нималарга қодир эканлигини бутун дунёга намойиш этди.

Замон шиддат билан ўзгармоқда. Дунёнинг сиёсий иқлими баҳор ҳавосига ўхшайди. Ҳозирги глобаллашув жараёни олдимизда турган долзарб вазифаларни амалда бажариш янгича ёндашувларни тақозо этаётган бир шароитда ўтмишда ўтган улуғ аллома бобокалонларимизнинг дунё тамаддунига қўшган улкан ҳиссаларидан ғурурланиш билан чекланиб қолсак, ёки мустақиллик йилларида халқимиз эришган ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтираверсак, замон ҳам, даврон ҳам, ҳатто шу халқнинг ўзи ҳам бизни асло кечирмайди.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида қанча раҳбар алмашса, мамлакатни шунча бузиб қайта қуриш қилинган ва бундан ҳар гал энг кўп оддий халқ жабр кўрган. Минг шукурким, мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузмаслик керак», деган шиорни майдонга ташлади ва ислоҳотларни амалга оширишни шу тамойил асосида ташкил этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти бошлаб берган йўлни изчил давом эттиражагини маълум қилди. Албатта, янги йилнинг ва янги беш йилликнинг стратегик вазифаларини фақат халқимизнинг қудрати ва қўллаб-қувватлаши билан амалга ошириш мумкин. Шунинг учун энди халқнинг олдига ўзимиз чиқайлик. Унинг кўнглига қулоқ тутиб, дарди, ташвишларига шерик бўлайлик, дейилмоқда. Масала «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» тарзида дангал қўйиляпти.

Бу ерда ҳеч қандай Америка кашф этилаётгани йўқ. Шавкат Мирзиёев маърузасида қайд этиб ўтилганидек, Ўзбекистон Конституциясида «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» деб аниқ белгилаб қўйилган. Конституциявий тамойил бўйича давлат томонидан кафолатланган муқаддас «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». Қаерда давлат органларида ишлаётган мансабдор шахслар томонидан бу тамойил бузилар экан, шу жойда адолатсизлик юз беради. Қаерда қонунлар яхши ишламаётган бўлса, шу жойда тараққиёт тўхтаб қолади, ислоҳотларда депсиниш юз беради. Президент сайловига тайёргарлик кўриш даврида Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келиб тушган хат ва аризалар жойлардаги ҳақиқий аҳволнинг барометри бўлди. Халқ депутатлари Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган сессияларида биринчи раҳбарнинг нафақат оддий кишилар билан, балки тараққиётимизнинг асосий локомотиви ҳисобланган фермерлар ҳамда тадбиркорлар билан мулоқот қила билмаслиги мазкур ҳудудларнинг иқтисодий ривожига қанчалар салбий таъсир кўрсатгани атрофлича таҳлил этиб берилди.

(3).

Давра суҳбати

Республикамизнинг барча ҳудудларида ҳар йил анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Меҳнат соҳасида муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусидаги давра суҳбатлари ўзининг долзарблиги ва самараси билан ижтимоий ҳаётимизда катта ўрин тутаётир. Жорий йилги давра суҳбатларида ҳам маҳаллий ҳокимлик, мутасадди ташкилот ва муассасалар масъуллари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этишди.

Муҳим ва долзарб масалалар

ҳамиша эътибор марказида

Бундай тадбирлар касаба уюшмалари ва ҳамкор ташкилотларнинг ижтимоий шериклик асосидаги фаолиятини янада мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

***

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган давра суҳбатини бирлашма кенгаши раиси У.Жалменов бошқарди.

Унда юртимиздаги сиёсий-иқтисодий барқарорлик мамлакатимизда макроиқтисодий ўсиш, иқтисодиётни модернизациялаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиб, аҳоли бандлигини таъминлашга замин яратаётгани қайд этилди. Шунингдек, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар барпо этиш, ободонлаштириш, таълим, тиббиёт соҳаларидаги юксалиш, миллатлараро бағрикенглик ҳамда ҳамжиҳатликни таъминлаш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани эътироф қилинди.

Давра суҳбати қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

(2).

Муҳим ва долзарб масалалар

ҳамиша эътибор марказида

(1).

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган давра суҳбатида асосий эътибор корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларининг бажарилишига бағишланган умумий йиғилишларда ходимлар томонидан кўтарилган масалалар, хусусан, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, билдирилаётган таклифларнинг ечимини топиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлар ҳимоясини кучайтириш каби жиҳатларга қаратилди.

Жумладан, ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2015 — 2017 йиллар учун қабул қилинган ҳудудий келишувнинг асосий йўналишларидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси муҳокамалар марказида бўлди. Бандликни таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси масалаларида ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўллари, ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш борасида банк тизими олдида турган вазифалар, ижтимоий соҳани молиялаштириш масалалари хусусида вилоят меҳнат бош бошқармаси, Республика Марказий банки вилоят бош бошқармаси ҳамда молия бошқармаси мутасаддиларининг маърузалари тингланди.

***

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатасининг шаҳар ҳудудий бошқармаси ўртасидаги ҳудудий келишувда белгилаб қўйилган вазифаларни муҳокама қилиш анъанага айланиб қолган.

Шунга кўра, ташкил этилган тадбирда иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси масалаларида ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўллари, ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш борасида банк тизими олдида турган вазифалар каби мавзулар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўртага ташланган фикр, мулоҳаза ва таклифлар муҳокама қилиниб, ҳаётга татбиқ қилиниши белгилаб олинди.

***

Самарқанд вилоятидаги давра суҳбати «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасида бўлиб ўтди.

Тадбирда қайд этилганидек, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ижтимоий шериклик асосида ҳал этишда ҳудудий келишув, 27 та туман тармоқ келишуви ва 13704 та жамоа шартномасининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ҳозирда келишув ва шартномалар орқали 660 минг нафардан ортиқ ходим манфаатлари муҳофаза этиб келинаётир.

Касаба уюшмалари ташаббуси билан жойларда ташкил этилган «Жамоатчилик қабули» марказлари орқали 1432 та мурожаат қабул қилиниб, аксарияти ижобий ечимини топди. Эътиборли томони, тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш, фуқароларга ижтимоий ҳимоянинг ишончли воситаси бўлган бандликка кўмаклашиш мақсадида 400 та янги иш ўрни ташкил этилди.

***

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган давра суҳбатида ўтган йилда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2017 йилнинг устувор вазифалари, жамоа шартнома ва келишувлари ижроси кенг муҳокама этилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг вақтида тўланишини таъминлаш, давлат бюджетидан молиялаштириладиган корхона, ташкилот ва муассасаларда ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси ишларини талаб даражасига келтириш сингари мавзулар бўйича маърузалар тингланди.

Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик тобора уйғунлашиб бораётгани сезилиб турди. Ҳамкор ташкилот вакиллари ва касаба уюшма тизимидаги мутахассислар иштирокчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.

***

Наманган вилоятида ҳам бир неча йилдан буён давра суҳбатларининг турли босқичларида муҳокама этилган масалалар, кун тартибига қўйилган муаммолар ўз ўрнида ҳал этилди, фуқаролар ҳаётида муайян енгилликлар вужудга келтирилди. Хусусан, туманлардаги тадбирларда иштирок этган 4000 нафардан ортиқ фуқаро томонидан 500 га яқин саволлар ўртага ташланди, мунозарали айрим саволлар вилоят даражасидаги давра суҳбатида муҳокама этилди.

— Ижтимоий ҳамкорликда кўплаб ишларни амалга ошираяпмиз, — деди бирлашма кенгаши раиси З.Маҳкамова. — Жумладан, 41 та корхона ва ташкилот томонидан 44 нафар кекса ёшдаги меҳнат фахрийси касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида бепул соғломлаштирилди. 289 та корхона ва ташкилотда 359 нафар пенсия ёшига етган ходимга пенсияга чиқишдан олдин бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Вилоятимизнинг чекка қишлоқларидаги кўмакка муҳтож оилалардан бўлган 40 нафар аёл ҳамда 26 нафар нуронийнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларга саёҳати уюштирилди.

***

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтган давра суҳбатида бирлашма кенгаши раиси Шавкат Собиров касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда ечимини кутаётган муаммолар хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, вилоятнинг банк, таълим, молия каби бошқармалар мутасаддилари мавзу юзасидан маруза қилдилар.

Қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан турли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, вилоят молия бошқармаси томонидан туман ва қишлоқларда ижтимоий иншоотларни барпо этиш учун ажратилаётган маблағлар устидан назоратни кучайтириш, бюджет ташкилотларида икки ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган оналарга нафақалар тайинлаш ва тўлаш борасида таклифлар ўртага ташланди.

***

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида давра суҳбати қизғин ўтди.

Унда вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича котибият етакчи мутахассиси Феруз Эргашев 2016 йилда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2017 йилнинг устувор вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Шунингдек, тадбирда аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси масалаларида ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш ҳақида сўз юритилди. Бундан ташқари, иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, ижтимоий соҳани молиялаштириш мавзуларига эътибор қаратилди. Қонунчиликдаги қатор янгиликлар асосида 2017 йил учун жамоа шартномаларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар борасидаги тавсиялар ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

***

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам давра суҳбати юқори савияда ўтказилди.

— Шаҳар ва туманларда ташкил этилган давра суҳбатларида барча муассаса, идора ва ташкилотлар масъул ходимлари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этди, — дейди бирлашма кенгаши ташкилий бўлим мудири Самандар Раҳмонов. — Уларда ходимлар томонидан берилган саволларга аниқ жавоб берилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлими бош юристконсулти Сарварбек Мамадиев, вилоят ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича бош мутахассиси Абдуманноб Мирзаев ва бошқаларнинг ўтаётган йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2017 йилдаги долзарб вазифалар юзасидан ахборотлари тингланди.

***

Жиззах вилоятида ташкил этилган давра суҳбатини вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратулло Пардаев очар экан, мазкур тадбирнинг шаҳар ва туман босқичларида ижтимоий-меҳнат муносабатлари юзасидан қатор муаммолар ечим топганини таъкидлади.

Ҳозирда вилоят миқёсида битта ҳудудий, 15 та тармоқ келишуви, саккиз мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектларда тузилган жамоа шартномалари орқали ходимларнинг бандлик, иш ҳақи, меҳнат муҳофазасига оид ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояланмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири М.Исаев, вилоят ҳокимлиги масъул ходими О.Сатторов ва бошқалар меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалаларга алоҳида тўхталишди.

***

Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасидаги давра суҳбати жонли мулоқот тарзида кечди.

Иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси масалаларида ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш ҳамда ижтимоий соҳани молиялаштириш, қонунчиликдаги янгиликлар асосида келгуси йил учун жамоа шартномаларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар борасидаги маърузалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Бундай давра суҳбатларининг ташкил этилиши касаба уюшмалари қуйи тизими фаоллари учун ҳам жуда муҳим, — дейди РШТЁИМ вилоят филиали касаба уюшма қўмитаси раиси Бобур Умрзоқов. — Биз соҳа мутахассисларидан ўзимизга керакли маълумотларни олдик ва уларни ўз фаолиятимиз давомида қўллаймиз.

***

Давра суҳбати **Хоразм вилоятид**а ҳам қизғин баҳс-мунозаралар асосида ташкил қилинди. Уни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Равшан Жаббаров олиб борди.

Касаба уюшма фаоллари, мутасадди ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари Саидмурод Тўхтаев, вилоят ҳокимлигининг бўлим бошлиғи Неъмат Атаев, вилоят меҳнат бошқармасининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори Ҳулкар Ражапова, Марказий банк вилоят бошқармаси бошқарма бошлиғи Одилбек Раҳимов, молия бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари Азамат Рўзметов ва бошқалар сўзга чиқиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан атрофлича маълумот беришди.

***

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкил этилган давра суҳбатини бирлашма кенгаши раиси А.Аҳмедов очаркан, соҳада олиб борилаётган ишларга атрофлича тўхталди.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ахборот таҳлил гуруҳи раҳбари Э.Тўраев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва вилоятнинг 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2017 йилнинг устувор вазифалари тўғрисида батафсил маъруза қилди.

Тадбирда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, бандлик ва меҳнат муҳофазаси масалаларида ҳам чиқишлар қилинди.

***

Давра суҳбатларида билдирилган таклифлар ва кўтарилган масалаларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўз мухбирларимиз.
Икром ХАСАНОВ олган суратлар.

Корхона ва касаба уюшма қўмитаси

Қадди баланд темирйўлчилар

Мамлакатимизда истиқлол йилларида темир йўл тизими жадал тараққий этди. Янгидан қурилган темир йўллар давлатимиз иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга шаҳар ва қишлоқларимизни обод, аҳолининг узоғини яқин, турмушини фаровон қилишга хизмат қилмоқда. Бундай улуғвор ишларга ҳалол меҳнати билан ҳисса қўшган инсонларни ҳар қанча қадрласа, эъзозласа арзийди. Бу борадаги ютуқларда Бухородаги 17-Темир йўл машиналари станцияси жамоасининг ҳам ҳиссаси катта.

Соҳанинг энг сўнгги русумдаги техника ва механизмлари, малакали ва фидойи ишчи-мутахассисларига эга бўлган жамоа йирик темир йўл қурилишларида фаол қатнашиб, турдош корхоналар ичида пешқадамликка эришаяпти. Айниқса, кейинги ўн йилликда бунёд этилган йирик темир йўл қурилишларида жонбозлик кўрсатилмоқда. Жумладан, улар узунлиги 227 километрни ташкил этувчи «Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ», «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон», «Тошкент-Самарқанд», «Мароқанд-Қарши», «Ангрен-Поп», «Самарқанд-Бухоро» ва бошқа йўналишларда ҳаракатланадиган поездлар қатновини йўлга қўйишда иштирок этишди.

Темирйўлчилик шарафли, айни пайтда масъулиятли касб. У ҳар бир ходимдан билим, ҳушёрлик ва маҳоратни талаб қилади. Айниқса, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси қонун ва қоидаларини мукаммал билиш, уларга қатъий амал қилиш лозим бўлади. Бу борада станцияда олиб борилаётган ишларни давр талабларига мос дейиш мумкин. Жамоа аъзоларининг етарли касбий билим ва малакага эга бўлиши қатъий талаб ҳисобланади. Ишчи-ходимларнинг 455 нафарини темир йўл монтёрлари ташкил этади. Улар махсус жиҳозланган, соҳага дахлдор йўриқнома, зарур адабиётлар, тавсия ва эслатмаларга эга хоналарда ўқитилади. Синовлардан муваффақиятли ўтган, маълум билим ва кўникмага эга бўлган ходимларгагина ишлашга рухсат берилади. Шу ўринда корхона меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳандиси Д.Бобоқулованинг саъй-ҳаракатлари эътиборга сазовор. Чунки унинг етакчи мутахассислар билан ҳамкорликда олиб бораётган амалий ва назарий машғулотлари самараси ўлароқ бахтсиз ҳодисалар ҳамда шикастланишларга йўл қўйилмаяпти.

— Касбини шарафлаб меҳнатда фидойилик кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг фарзандлари учун ғамхўрлик кўрсатиш бизнинг асосий бурчимиз, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Фахриддин Ражабов. — Жамоамизда ишловчи 700 нафардан ортиқ касаба уюшма аъзосининг меҳнат ва дам олиш шароитлари йил сайин яхшиланмоқда. Ходимлар малакасини ошириш, саломатлигини ҳимоя қилиш, фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиш даражасининг ошиб боришини таъминлаш амалдаги жамоа шартномасида ўз аксини топган. Унда қайд этилган бандларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан жамоатчилик назорати ташкил этилгани ютуқларимизнинг асосий гарови бўлаётир.

Жорий йилда корхона ходимларидан 7 нафари «Чимён», «Назарбек», «Омонхона» каби сиҳатгоҳларда мириқиб дам олди. Ёзги таътил даврида ишчи-ходимларнинг 36 нафар фарзанди Самарқанддаги «Дўстлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳида кўнгилли ҳордиқ чиқарди. Ушбу мақсадлар учун касаба уюшма маблағи ҳисобидан 3 млн. 836 минг сўм маблағ сарфланди. Жамоада оммавий-маданий тадбирларнинг юқори савияда ўтказилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Байрамларда хотин-қизларга, уруш ва меҳнат фахрийларига совға-саломлар, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдамлар берилмоқда. Тошкент-Бухоро йўналишида ҳаракатланадиган «Афросиёб» тезюрар поезди темир йўлини қуришда алоҳида ибрат кўрсатганлар, шунингдек, касб байрами ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ходимларнинг 140 нафари корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Бир гуруҳ ходимларнинг Шаҳрисабзга саёҳати ташкил этилди. Ишчи-ходимлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш учун давом этаётган саъй-ҳаракатлар ҳам ўзининг ижобий самарасини бераётир.

Станция жамоаси айни кунларда узунлиги 330 километрни ташкил этадиган Конимех-Мискин йўналишида бунёдкорлик ишларини давом эттирмоқда. Ишчи-ходимларнинг яна бир гуруҳи Қизилтепа-Қуйимозор йўлида поездлар тезлигини янада оширишни таъминлайдиган линияни модернизация қилишяпти. Шунингдек, яна бир йирик иншоот — Яккатут бекатидан қурилаётган Қандим газни қайта ишлаш заводига элтувчи 55 километрлик янги темир йўлни бунёд этишда фаол иштирок этишаяпти. Жамоа аъзолари бу объектлардан ташқари республикамиздаги бошқа йирик темир йўл қурилишларида ҳам матонат кўрсатаётгани эътиборга молик.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ҚУЧОҚ ОЧИБ ХАЛҚ ИЧИГА БОРАЙЛИК!

Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган — шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам — шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ.
Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак — одамларимиз билан.
Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак — аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади.
Халқ рози бўлса, ишимизда барака ва унум бўлади.
Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан



ЎзА сурати.

Халқ ишончи — олий саодат

(1).

Очиғини айтиш керак, Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси очилганида навбатдаги кампаниябозлик бўлиб қолмасмикан, деб бу ташаббусга шубҳаланиб қараганлар бўлди. Ариза ва шикоятларнинг кўплигидан мутасаддилар ўзларига боши-кети кўринмайдиган ташвиш ортириб олишлари мумкин, деган хавотир ҳам йўқ эмас эди. Бу гал ундай бўлмади. Тегишлилигига қараб ариза ва мурожаатлар вазирликлар, давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органларига юборилиб, ўрганиш натижалари асосида уларнинг ижроси назоратга олинди. Шундай мурожаатлардан учтаси маҳалладошларимизга тегишли бўлгани учун фуқаролар йиғини раиси сифатида уларнинг ўрганиш жараёнида мен ҳам иштирок этдим. Умумлаштириб олганда, ҳар учала мурожаат маҳаллий ҳокимият органларининг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари туфайли юз берган. Шикоятчилардан бири Иброҳимовлар Шоҳсанам кўчасидаги 4-уйда 1976 йилдан бери истиқомат қилишади. Яшаб турган уйлари туман ҳокими қарори билан қурилган ва кадастр қилинган. Йигирма йил кейин, яъни 1996 йилда уларнинг ҳовлисидан юқори босимли газ қувури ўтказилади. Газчилар хонадон эгаларини хавфсиз жойга кўчириш ва томорқаларидаги пайҳон қилинган мевали дарахтлар учун етказилган зарарни қоплашни хаёлига ҳам келтирмайдилар. 2014 йил ёзида шу газ қувурининг Бектемир туманидан ўтган қисмида кучли газ портлаши юз бергандан сўнг газ идораси мутасаддилари ҳокимият вакили билан яна Иброҳимовларнинг уйига кириб келиб, уларни ўзбошимчалик билан қурилиш қилганликда айблайдилар ва мажбуран кўчириш тўғрисида судга беришади. Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига тушган бу мурожаатни жойида ўрганган мутахассислардан иборат комиссия аъзолари, Иброҳимовлар уй-жой билан таъминланиши ёки юқори босимли газ қувури бошқа жойга кўчирилиши керак, деган хулосага келишди.

Иккинчи мурожаат ҳам шу газ қувури ўтказилиши билан боғлиқ. Иброҳимовларнинг қўшниси, Шоҳсанам кўчасидаги 1-уйда яшовчи фуқаро газ қувури ўтказилиши муносабати билан янги уйга кўчирилади ва у кетиши олдидан эски уйини уй яқинидаги дўконнинг эгасига арзон-гаровга сотиб кетади. Дўкондор эса бу уй-жойни эгаллаб, ҳатто рўйхатсиз яшаш мақомини ҳам ўзлаштириб олади. Бу кўримсиз иморат ишига халақит бераётгани учун қўшни дўкондор уни судга беради. Бу судлашув жараёни яқин ўн йилдан бери давом этаётганини эшитган эдим. Маҳалла раиси бўлиб келганимдан кейин ўзим уч марта шу иморатни бузишга келган суд ижрочиларини кутиб олдим ва ҳар гал кўринмас кучлар томонидан ижро тўхтатилганига гувоҳ бўлдим. Шу кунларда ўз вақтида бузилмай қолган бу иморатни бузиш тўғрисидаги суд қарори ижро қилинмоқда.

Ҳа, оғир тош жойидан кўчди. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ишлай бошлади.

Президент сайлови якуни билан энди халқ ҳузурига чиқиш сари навбатдаги катта қадамлар ташланмоқда. Олий Мажлис Сенати раиси ва Қонунчилик палатаси Спикерига тегишли депутатлар гуруҳи билан ҳар ойда бир марта битта вилоятга чиқиб қонун ва фармонлар ижроси аҳволини ўрганиш, вилоят ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш ва уларни умумлаштириб, ушбу ҳудуддаги ҳақиқий аҳволни баҳолаш таклиф этилди.

2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисоб бериш тизими жорий этилади.

Янги йилдан ташкил этилажак «Халқ қабулхоналари»ни аҳолининг арз-ҳоли тингланадиган масканга, аниқроқ қилиб айтганда, сиёсий партияларнинг халқ билан мулоқотга киришиш минбарига айлантириш мўлжалланмоқда.

Тўғри, халқ билан юзма-юз мулоқотга киришиш осон иш эмас. Бунга ахд қилган кишида, аввало, отнинг калласидек юрак, шернинг шиддатидек журъат, қирчиллама йигитнинг билаги керак.

Журналист мақоми ва мандати билан қирқ йилдан ортиқ давр мобайнида мамлакатимизнинг деярли барча кентлари, қишлоқ ва овулларини кезиб чиққанман. Томдилик туякашдан тортиб қашқадарёлик чўпону фарғоналик боғбоннинг ҳаёт тарзи, муваффақият ва муаммолари менга яхши таниш. Саратонда мубораклик газчи билан вахтага чиқдим. Биқирлаб қайнаб турган чўянни қолиплаётган бекободлик темирчи билан ака-ука бўлиб дилдан суҳбатлашдим. Терим машинасининг имкониятидан ошириб пахта терган юлдузли механизаторлар, қаҳрамон раислар, янги пахта нави билан соҳада инқилоб ясаган селекционер олимлар, халқ артистлари ва машҳур шоир-ёзувчиларни эфирга олиб чиқиш, газета минбарига тортиш журналист учун аввал ҳам, ҳозир ҳам осон иш бўлмаган. Индаллосини айтганда, одамлар билан гаплашишнинг озмикўпми ҳавосини олган эдим. Маҳаллага келиб тамомила бошқача ҳолатга дуч келдим. Одамлар ҳузурига журналист сифатида борганимда аксар ҳолларда менга фақат медалнинг ўнг томонини кўрсатишган. Мен ҳар куни ишга келиб-кетиб юрганда ёки тўй-маъракаларда мулоқотда бўлган маҳалладошларим эса менга бир қўшни сифатида муомала қилишган. Энди маҳалла раиси мақоми билан уларнинг ҳузурига чиққанимда рўпарамда тамомила бошқача манзара турар эди. Шунда бир ёзувчининг, маҳаллада фузалою фуқаронинг, ўғрию тўғрининг, қассобу каззобнинг, ҳатто гадойнинг ҳам ўз ўрни бор, деган гапи ёдимга тушди. Худога шукур, маҳалла аҳли билан тезда тил топишиб кетдим. Маҳалла ёнингда турса, ўғрини тузатиш, каззобни тўғри йўлга солиш, гадойни ишлашга ўргатиш мумкин бўлар экан. Ёмон ишламаганман, шекилли, маҳалладошларим иккинчи муддатга яна мени раисликка сайлашди. Шу кунларда улар билан 2017 йил маҳаллада амалга оширилиши керак бўлган ишлар режасини ишлаб чиқмоқдамиз.

— Кўчамизни асфалт қилиш янги йил режасига киритилган экан. Шу амалга ошиб қолармикан, — деб сўрашади Нигора кўчаси аҳолиси.

— Ночорлашиб қолган ёғоч столбалар алмаштирилса, электр таъминотимиз яхшиланиб қолармиди, — деб умид қилишади биринчи тор Латофат кўчасида яшовчилар.

— Биз билан учрашувларга бу ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари келса яхши бўлар эди, — деб таклиф киритишади бошқа бирлари.

Мен уларга жавобан Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида келтирилган ушбу сўзларни ўқиб бераман:

«Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган — шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам — шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ.

Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак — одамларимиз билан.

Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак — аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади.

Халқ рози бўлса, ишимизда барака ва унум бўлади.

Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади».

— Умридан барака топсин, — деб дуога қўл очади тўқсон ёшни қаршилаётган маҳалладошимиз Ислом ҳожи Умаров.

— Президентимиз сайловолди дастурида Сергелига очиқ метро ўтказиш, янги уйлар қуриш ҳақида гапирган эди. Кеча йўлим тушганда кўрдим — бу қурилишлар жадал бошлаб юборилган. Бўзсувда ҳам кўприк қурилмоқда экан. Отасига раҳмат, сўзида турадиган йигитга ўхшайди, — деб уни қувватлайди бошқа бир маҳалла фаоли Собир ҳожи Қосимов.

— Президент бизга ишонаётган экан, биз ҳам қараб ўтирмай, енг шимариб ишга киришамиз, — дейишмоқда тарновбошиликлар.

Номигагина ўтказиладиган мажлислардан, қарийб эпогейига чиқиб олган қоғозбозлик ва бюрократизмдан жуда чарчаган одамлар шу кунларда катта минбарларда берилаётган ваъдаларда ва уларга эш равишда мамлакатимизда бошланиб кетган бунёдкорлик жараёнларида сўз ва иш бирлигини кўришмоқда. Уларда эртанги кунга умид уйғонди. Ўзбекистоннинг янги сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг юқорида тилга олинган ҳар иккала маърузасида илгари сурилган ғоялар, куни кеча қабул қилинган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳақидаги Президент фармойишининг мазмун-моҳияти буюк шоиримиз Чўлпоннинг бундан 95 йил аввал ёзган «ХАЛҚ» шеърига жуда ҳамоҳанг:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...
Халқ қўзғолса, куч йўқдирким, тўхтатсин,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.
Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади, тож ва тахтлар йиқилди...

Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка,
Кетсин унинг бошидаги қўланка,
Бир қўзғалур, бир қўпирар, бир қайнар,
Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйнар,
Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...

Бутун кучни халқ ичидан олайлик,
Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!

Ўз даврида халқимизни озодликни барқарор қилишга чорлаган бу шеър, шубҳасиз, биз катта умидлар билан кириб бораётган 2017 йилимизнинг ҳам гимни бўлиб қолади.

Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
Яшнобод туман «Тарновбоши» МФЙ раиси

Шундайин қувончли воқеалар бўладики, мабодо ширин туш эмасмикин, дея бир зум иккиланиб қоласан, киши. Эндигиси, албатта, туш эмас, буюк Ватанимизда рўёбга чиқаётган ҳаёт ҳақиқатларидир!

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз томонидан 2017 йилга ном берилар экан, йиллар давомида оҳори тўкилмай келаётган миллий қадриятларимизга яна бир бор мурожаат қилинди. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деган эзгу мақсад замирида фуқароларимизни янада баҳамжиҳат бўлиб яшашга чорлов ётибди.

Инсон қадри улуғ

Юртбошимизнинг «Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди» деган сўзлари раҳбарларни халққа яқинлаштириш, уларнинг ошкора фаолият юритиш, ижтимоий муаммолар ечимини ўз вақтида топиш учун сидқидилдан ёндашишларига эришиш керак, дегани эмасми?

Конституция байрамига бағишланган тадбирда яна бир қимматли фикр билдирилди: **халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур.**

Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиради. Одамларимизнинг руҳияти ҳамда дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнатининг натижасига муносабати, жаҳонда ва ёнатрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини тубдан ўзгартиради. Бугун мана шу юртнинг фарзандиман, деган инсон мамлакат тараққиётига, унинг эртанги кунига асло бефарқ эмас.

Инсон учун юрт тинчлиги олий саодат ҳисобланади. Осойишта кунларнинг қадрига етишимиз учун бир ёқадан бош чиқариб, аҳил-иноқ бўлиб яшашимиз даркор. Кишиларнинг ҳаётдан янада рози бўлиб яшашлари учун уларнинг кўнглига йўл топмоқ зарурлигини бот-бот ҳис қиляпмиз. Маърузани ўқиб, унинг мазмун-моҳияти хусусида фикр юритар эканман, юртимизда бундан буён ҳам инсон манфаатлари давлат ва халқ бирлигининг, ўзаро ишончнинг рамзи сифатида олий қадрият бўлиб қолаверишига имон келтирдим.

Таваккал ТОПВОЛДИЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Андижон вилоят бўлими кенгаши раиси

Бу ёруғ кунларга етдик, азизим!

Ростини айтганда, етмиш беш йил умр кўриб, ҳозирдагидек қувончларга илк бор йўлиқишим! Сир эмас, мамлакатимиз Президентлигига номзод танлаш жараёнини ғоят кучли ҳис-ҳаяжон билан ўтказдик. Бошқа номзодларни сираям камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, турли улуғвор дастурлар тузиб эълон қилиб юриш осон, аммо уларни қадам-бақадам амалга ошира бориш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг устига Бош вазирлик, вақтинча Президентлик вазифаларини ҳозирги ғоят мураккаб шароитда қойилмақом қилиб бажариш...

Улуғ йўл бошланишининг қувончлари катта тантаналарга, байрамларга уланиб кетди. Айниқса, Конституция байрамига бағишланган тантанали тадбирдан сўнг намойиш этилган «Ватан манзумаси» номли адабий-мусиқий дастур барчанинг қалбини ларзага солди. Бутун олам аҳли тан олган ҳазрат Навоий даҳосига таъзимдан сўнг дилларни ларзага солувчи лаҳзалар нафақат йиғин иштирокчилари, балки «зангори экран»га тикилиб ўтирган барча юртдошларимизнинг ҳам қалбларига қувонч, кўзларига нур бахш айлади! Ватанини жон-дилдан севган, шугина «айби» учун азиз жонларидан жудо бўлган Абдулла Авлоний, Чўлпон, Сиддиқ Ҳандақлиқий, Беҳбудий янглиғ азизларимизнинг руҳи поклари ўз халоскорларига таъзимга келиб, бошларида парвона бўлаётгандай эди! Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов... яна ҳозирда ҳаёт истеъдодли ижодкорлар ҳам тўкилиб-тўкилиб она юрт ҳақида ашъор ўқидилар. Юрт раҳбари атрофида жамулжам бўлган фидойи халқимиз қалбида буюк келажакни қуришдек улуғвор мақсад янада мустаҳкамланди.

Дарҳақиқат, эндиги навбат ташрифига саноқли кунлар қолган янги йилда мардонавор олға одим ташлашдан иборат. Шиддатли бу ҳолат каттаю кичик — барчанинг юз-кўзида аниқ-тиниқ акс этиб турарди.

Ҳа, ўзбекистонликман, дея кўксини баланд кўтарган ҳар бир инсон Ватан ободлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил жонбозлик кўрсатиши лозим.

«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор!» деган ғоят чуқур маъноли сатрлар эсимга тушади. Ҳамонки, бахтимиз чопиб, бу улуғ кунларга етган эканмиз, толеимизга шукроналар ўқиб, Ватан фидойилари қаторида бўлмоғимиз ва улуғ ишларга ўзимизнинг муносиб улушимизни кўшмоғимиз шарт!

Мен бу фикримнинг ижросини анча йиллар аввал бошлаганман. Шаҳар шароити соғлиғимга тўғри келмаганлиги туфайли нафақага чиққанимдан сўнг, болалигим кечган Хондайлиқ қишлоғига қайтдим. Бўстонлиқ туманининг Оқтош ҳудудидан ўзаро шартнома асосида ажратиб берилган етти гектар қиялиқда боғ яратишга киришдим. «Япроқсой» деб номланган бу сойлик сувсиз ва унумсиз майдондан иборат эди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида ясалган трассалар кўчат экилмай қолиб кетган, подахона бўлиб ётарди. Бундай салбий ҳолатларни кузатиб юрган Бош вазиримиз ўрни келганда тадбиркорлар учун қўшимча имкониятлар яратиш чора-тадбирлари хусусида қарор қабул қилиб, ўринсиз ҳолатларни тартибга сола бошлади. Бош вазирга мурожаат учун кенг йўл очилгач ва халқ билан мулоқотга астойдил киришилгач, яхши ўзгаришлар юз бера бошлади. Бундай адолатпарварликдан руҳланиб, биз ҳам етти гектардаги боғимизни ҳар томонлама қайтадан кўриб чиқиб, сертармоқ хўжаликка айлантиришга қарор қилдик. Оқтош ҳудудининг қулай иқлимли шароитида нафақат сархил мева, балки асаларичилик, доривор гиёҳлар етиштириш каби ноёб соҳаларни ҳам ишга тушириш имкониятлари бор. Чунки бир пайтлар ясалган, лекин кўчат экилмай қолиб кетган тайёр трассаларда бундай ишларга киришилса, айни муддао бўлур эди. Юқорида айтганимиздек, асаларичилик, доривор гиёҳлар етиштириш билан бир қаторда пистазор, бодомзор, ёнғоқзорлар кўпайиб, мевалари чет элга экспорт қилиш имкониятлари ҳам туғила боради. Хуллас, «Асад Асил ижод боғи» деб ном олган масканимизда кейинги ижобий ўзгаришлардан руҳланиб, янада самарали ишларни амалга оширишга бел боғлаганмиз...

Янги йилимизнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб номланиши Ўзбекистон халқига, айниқса, биз каби ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган нуронийларга кўп муҳим вазифаларни белгилаб берди. Энди яхши яшаш учун маслаҳатлашиб, биргалашиб курашмоқ керак. Ҳар кимнинг дилида яхши ниятлари, улуғвор режалари бўлса, очиқ-ойдин эълон қилиш пайти келди. Биз ҳам айнан ушбу қулай имкониятлардан илҳомланиб қўлга қалам олдик ва яхшиликлар, эзгуликлар даъваткори бўлмиш янги сайланган Президентимиз номига очиқ мактубимизни йўлладик. Унда Бўстонлиқ туманининг Оқтош ҳудуди истиқболи учун кўп йиллардан бери қурилиб-қурилмай келаётган кўприк ва Хондайлиқ қишлоғидаги кўҳна тарихий ёдгорликларни ободонлаштириш, унинг замирида экотуризмни ривожлантириш, чет эллик сайёҳларни табиатнинг ноёб бу дурдоналарига жалб этиш сингари муҳим масалалар баён этилган эди. Кўп ўтмай, хушхабар олдик. Ватанимиз тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилувчи ушбу йўналишлар равнақи учун жиддий киришилганлиги бизни ғоят руҳлантириб юборди. Токи тирик эканмиз, Ватан тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва жамики эзгуликлар учун янги сайланган Юртбошимиз кўрсатмалари асосида қўлимиздан келган ҳамма яхшиликларни амалга ошираверамиз.

Асад АСИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Эътибор ва ғамхўрлик

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» деб номланган нутқи ҳамюртларимиз томонидан катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда.

2017 йилнинг юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши ҳам барчага қувонч бағишлади. Мулоқот, аввало, маҳалладан бошланади. Чунки халқимизнинг тўй-ҳашамлари, қувончли ва оғир кунларида маслакдоши, сирдоши ва яқин кўмакдоши маҳалладир.

Бугун овулларимизда амалга оширилаётган ўзгариш, янгиланиш ва бунёдкорликларнинг қиёсини топиш қийин. Шаҳар билан қишлоқ ҳаёти бир-бирига жуда яқин ва ҳамоҳанг ривожланмоқда. Овулларимизда ишга тушириладиган равон йўллар, тоза ичимлик суви тармоқлари, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган турар жой массивлари, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш мақсадида яратилаётган қулайликлар барчани хурсанд қилмоқда. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсам, фуқаролар йиғинимиз Бўстон шаҳридан 25 километр олисда жойлашган бўлса ҳам, 23 та маиший хизмат кўрсатиш объекти аҳолимиз талаб ва эҳтиёжини қаноатлантириш йўлида фаолият юритмоқда. «Гулдирсин нафосати» тикувчилик корхонасида 22 нафар хотин-қиз иш билан банд. Ўнлаб хонадонларимиз бекалари касаначилик билан шуғулланмоқда.

Келгуси йилдан овуллик ерларда яна бир истиқболли лойиҳа амалга оширила бошланишидан мамнунмиз. «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори ҳаётга татбиқ этилади. Ушбу хушхабарни эшитиб, шаҳарчамизда истиқомат қиладиган 560 хонадондан 11 таси янгиланган намунавий лойиҳаларда бунёд этилажак уй-жойларда яшаш истагини ҳозирдан билдирмоқда. Зеро, қишлоқ аҳолисининг барча қулайликка эга замонавий, сифатли, арзон ва шинам уй-жойлар билан таъминланиши замирида ҳукуматимизнинг овул халқига кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлиги ўз тасдиғини топган.

Камолиддин ШАРИПОВ,
Элликқалъа тумани Фахтиён шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси

Истеъдод — миллат мулки

Мўйқаламнинг сирли жилоси

Истеъдодли, аълочи, зукко. Очиғи, сизга таништирмоқчи бўлган қаҳрамонимизга бундан-да муносиб таъриф топа олмадик. Бу фазилатлар эгаси — Фарғона шаҳридаги 30-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Аҳаджон Усмоналиев 7 ёшидан буён тасвирий санъат оламига ошно. Мактабда ҳам аъло баҳолари, намунали хулқи билан тенгдошларига ибрат. У орзулари рўёбини турфа ранглар жилосида кўради. Шу сабабли ҳам мусаввирликнинг турли жанрларида ишлашга меҳр қўйган Аҳаджоннинг ижодий ишлари ҳатто хорижда ҳам ўз эътирофини топмоқда.

У рассомлик сабоқларини Марғилон шаҳридаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўзлаштиряпти. Ёш мусаввир эришаётган муваффақиятларда Ихтиёр Ғойипов, Муштарийбегим Қурбонова сингари мураббийларнинг меҳнати катта. Айнан уларнинг керакли кўрсатма ва тавсиялари билан Аҳаджон 30 дан зиёд асарлар яратиб, ўз йўналишини танлаб олишга эришди. Унинг натюрморт, миниатюра услубига хос ижодий ишлари нафис ранглари билан бизнинг ҳам диққатимизни тортди. «Амир Темур», «Отлар уюри», «Улоқ» деб номланган суратларда тарих ва миллий анъаналаримизга хос хусусиятлар акс этган бўлса, «Шоҳимардонда баҳор» асари ёки пейзаж, композиция йўналишидаги манзараларда Аҳаджон табиатнинг гўзал қирраларини ёшликка хос тасаввурлар билан жонлантирган. Суратларининг кишига ҳавас ва ҳайрат улашиши, ўз навбатида, ёш рассомнинг иқтидоридан дарак беради. Яқинда Аҳаджон устози Муштарийбегим Қурбонованинг тавсияси билан янги йўналишда ҳам ўз истеъдодини синовдан ўтказди. Тери ва қовоққа ишлаган суратларни яратишда ҳам у бор маҳоратини ишга солди. Янги йўналишдаги ижодий ишлари 2015 йилда «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалида ўзининг муносиб баҳосини олди. Аҳаджон Усмоналиев жорий йилнинг 24-27 июн кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган XII халқаро болалар ва ўсмирлар ижодиёти фестивалида фахрли 1-ўринга сазовор бўлди.

— 520 нафардан зиёд хорижлик тенгдошларим иштирок этган бу фестивал ижодий рақобат майдони ҳам бўлди. Унда мендан ташқари яна икки дўстим танлов ғолибига айланди. Бу ўзбек ёшларининг истеъдодига берилган юксак баҳодир, — дейди Аҳаджон биз билан суҳбатда. — Мустақиллик халқаро майдонларда ўзимизни намоён этишимиз учун қанот бермоқда. Шу боис ҳам гўзал мамлакатимиз тароватини тасвирларда яратгим келади. Зеро, кўҳна ва мафтункор Ватанимизнинг ҳар бир жиҳати чексиз илҳом манбаидир. Навбатдаги ижодий ишларим мавзусини ҳам шунга қаратмоқчиман.

Суҳбатдан ажойиб таассуротлар олиб қайтарканмиз, бир олам орзулар билан келажак сари илдам одимлаб бораётган Аҳаджонга қараб, мустақил юрт фарзандлари мана шундай соғлом фикрли, баркамол бўлиши шарт, деган хулосага келдик.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ

Касаба уюшма спорти

Муросасиз беллашувлар

Андижон транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ишчи-ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида мусобақа ўтказилди.

72 нафар ходим иштирок этган спартакиада кўтаринки кайфият ва жўшқин беллашувлар остида ўтди.

Аёллар ўртасида ўтказилган »Қувноқ эстафета» мусобақаларида «Ижтимоий фанлар», «Махсус фанлар», «Гуманитар фанлар» кафедралари жамоалари совринли ўринларни эгаллади.

Эркаклар ўртасида кечган волейбол мусобақаларида А.Ниёзов бошчилигидаги жамоа ғалаба қозонди. Ғолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

М.АБДАЛИМОВА,
бошланғич касаба уюшма қўмита раиси

***

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши тизимидаги корхоналар ўртасида ташкил этилган мусобақада 300 нафардан ортиқ ҳаваскор спортчи иштирок этди.

Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос электр станцияси жамоалари спортнинг енгил атлетика, мини-футбол турлари бўйича маҳоратини намойиш этишди. Якуний натижаларга кўра, «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖ жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Расул СУЮНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши ходими

***

Касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати ва Наманган вилоят педагогларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш институти ҳамда махсус мактаб-интернатларда ишловчи ходимларнинг жисмонан бақувват, маънан етук бўлишини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида Наманган шаҳридаги Спорт ўйинлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган БЎСМда спартакиада ўтказилди.

Унда иштирокчилар спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, армрестлинг ва мини-футбол турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Кенгашимиз соврини учун тизимдаги 22 та ташкилотдан 330 нафар эркак ва аёлдан иборат қатнашчилар маҳорати малакали ҳакамлар томонидан баҳолаб борилди. 27 нафар ғолиб диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, кенгашимиз томонидан 200 нафар касаба уюшма фаоли рағбатлантирилди.

Акмал УМАРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши мутахассиси

Касаба сайр

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Касаба сайр» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда 50 нафар касаба уюшма фаолининг Самарқанд шаҳрига саёҳатини ташкил этди.

Саёҳат

Саёҳатчилар дастлаб Ҳазрати Хизр масжиди ҳудудидаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилишди. Шундан сўнг қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг кўҳна тарихи билан бирга, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Амир Темур мақбараси, Регистон майдони ва Улуғбек расадхонаси каби бетакрор тарихий обидалар саёҳатчиларда бир олам таассурот қолдирди.

Дилафрўз ЎРОЗОВА,
«Ishonch» мухбири

Оқила оналаримиз сабоғи

«Қизларим сепига диплом қўшдим...»

Сирдарёлик Мушарраф опа олти қиз ва бир ўғилнинг волидаси. Бугун фарзандларини вояга етказиб навбат билан «уяси»га қўймоқда.

У кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчи сифатида Боёвут туманидаги 1-умумтаълим мактабида 30 йил ўқувчиларга француз тилидан сабоқ берди. Касбини севиб, жонкуярлик билан меҳнат қилган муаллима халқаро грантни ютиб, Франция саёҳатида бўлди. Таълим тизимининг юқори мукофотларидан бири «Халқ таълими аълочиси» фахрий унвони билан тақдирланди. Ҳа, бундай сермазмун умрга ҳавас қилмай илож йўқ. Лекин опа асосий бахтини оиласидан топди. Фарзандларининг барчасини ўқимишли, олий маълумотли қилди.

Қош-кўзларидан ҳам одоби чиройли қизларини келин қиламан, деганлар кўп эди. Тўғри-да, шундай аёлнинг ҳовлисида ўсган гулу райҳонига, улғайтирган қизларига ҳамманинг ҳаваси келади-да. Олти қизнинг бари ўзбекона чиройга ҳам, тарбияга ҳам эга. Мактабни тугатиш арафасидаёқ «Қизингизни бегона қилманг, келин қилай» деган таклифлар кўп бўлган. Ўшанда у қатъий қилиб: «Қизларим ҳали ёш. Тарбиясини якунламадим. Ўқишга қизиқиши бўлса, ўқитай, ҳунарни танласа, ҳунарли қилай, деганман», дея гапни кесган. Унинг фикрини турмуш ўртоғи ҳам қўллади.

— Совчиларга узримизни айтардим-у иккиланардим, — дейди опа. — Шундай вақтларда умр йўлдошим тўғри йўл тутаётганимизни айтиб, тинчлантирарди. Қизларимни дипломли бўлгач, узатганмиз. Ҳозир кенжамиз Тиббиёт академиясининг талабаси. Насиб қилса, ўқишини тугатгандан сўнг турмушга берамиз.

Шифокорлик таълими мураккаб сабоқлардан. Дадаси кенжа қизи Камолага талаба бўлган куни битта гапни айтган: «Аъло», «яхши» баҳо олишингга розимиз. Ундан бошқаси тўғри келмайди. Инсон ҳаёти билан ишлайсан-а!».

Сир эмас, олий ўқув юртини тугатмаган қизларимизга совчиликка келишганда «ўқишини давом этираверади» деган ваъдалар берилади. Лекин келин бўлгач, ўқишдаги фаоллиги, олган баҳолари билан биров қизиқмайди. Шароитга мослашиб, амаллаб битирган оилали талаба келинчаклар эса биз ишонган кадрлар бўла олияптими?!. Албатта, эрта бир кун шундай кадрларга ишимиз тушиб қолмаслигига ким кафолат беради?

Бугунги совчиларнинг аксари ўқиган келин излайди. Бундан кўра уларнинг дипломли бўлишини кутишса ёки шунга муносиб шароит яратишса, тўғри иш бўларди. Мушарраф опанинг ўзи ҳам ўқишни тамомлагач, оила қурган ва ҳам касбий, ҳам оилавий бахтга эришган. Қолаверса, ўқимишли ёки ҳунарли келиннинг ёш даражаси ҳам қонуний, ҳам маънавий меъёрларимизга тўғри келади. Маънавиятли, соғлом келинчаклар нафақат оиламиз, балки жамиятимизнинг эртасига ҳам масъул. Уларнинг билимдон, зукко ва замонавий касб-ҳунарни эгаллаган қадр бўлиши эса барчамизнинг орзумиз ҳисобланади.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ ҳудудий филиалларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сон қарорига асосан савдолари ташкил этилган ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқларининг танлов натижалари тўғрисида ахборот.

Наманган вилоят филиали:

1. Мингбулоқ тумани, Жомошуй ШФЙ, Қўриқобод МФЙ Андижон кўчаси ҳудудида жойлашган 170,0 кв.м. бўлган, «Балиқ маҳсулотларини пишириш ошхонаси» қуриш учун, Б.б — 172 467 сўм, С.б — 300 000 сўм. 2. Наманган вилоят, Норин тумани, Пахтақишлоқ ҚФЙ, Қозововул МФЙ ҳудудида жойлашган 100,0 кв.м. бўлган, «Балиқ сотиш ҳовузи» қуриш учун, Б.б — 30 435 сўм, С.б — 150 000 сўм. 3. Наманган вилоят, Норин тумани, Пахтақишлоқ ҚФЙ, Қозововул МФЙ ҳудудида жойлашган 100,0 кв.м. бўлган, «Балиқ сотиш ҳовузи» қуриш учун, Б.б — 30 435 сўм, С.б — 150 000 сўм. 4. Наманган вилоят, Норин тумани, Пахтақишлоқ ҚФЙ, Қозововул МФЙ ҳудудида жойлашган 100,0 кв.м. бўлган, «Балиқ сотиш ҳовузи» қуриш учун, Б.б — 30 435 сўм, С.б — 150 000 сўм. 5. Наманган вилоят, Норин тумани, Пахтақишлоқ ҚФЙ, Қозововул МФЙ ҳудудида жойлашган 100,0 кв.м. бўлган, «Балиқ сотиш ҳовузи» қуриш учун, Б.б — 30 435 сўм, С.б — 150 000 сўм. 6. Наманган вилоят, Норин тумани, Пахтақишлоқ ҚФЙ, Қозововул МФЙ ҳудудида жойлашган 100,0 кв.м. бўлган, «Балиқ сотиш ҳовузи» қуриш учун, Б.б — 30 435 сўм, С.б — 150 000 сўм. 7. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани, Зарбдор ҚФЙ, Тинчлик МФЙ ҳудудида жойлашган 700,0 кв.м. бўлган, «Савдо дўкони, Гўзаллик салони, Косибхона ва Қассобхона» қуриш учун, Б.б — 617 400 сўм, С.б — 800 000 сўм. 8. Наманган вилоят, Учқўрғон тумани, Учқўрғон ШФЙ, Кўприкбоши МФЙ ҳудудида жойлашган 100,0 кв.м. бўлган, «Савдо шохобчаси» қуриш учун, Б.б — 882 120 сўм, С.б — 900 000 сўм. 9. Чортоқ шаҳар, Наманган МФЙ, Ойқирон кўчаси, ҳудудида жойлашган 1000,0 кв.мдан иборат ер майдони Икки қаватли «1-қавати савдо ва маиший хизмат, Сартарошхона, Косибхона, 2-қаватида тикувчилик цехи» Б.б — 900 000 сўм, С.б — 900 000 сўм. 10. Чортоқ шаҳар, А.Навоий МФЙ, Истиқлол кўчаси, ҳудудида жойлашган 110,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Музқаймоқ ва салқин ичимликлар ҳамда кафе» Б.б — 405 000 сўм, С.б — 1 000 000 сўм. 11. Тўрақўрғон тумани, Хўжанд ҚФЙ Хўжанд МФЙ, ҳудудида жойлашган 300,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» Б.б — 156 000 сўм, С.б — 800 000 сўм.12. Тўрақўрғон шаҳар, Исвахон МФЙ, ҳудудида жойлашган 3 500,0 кв.мдан иборат ер майдони «Тантаналар уйи, Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ва спорт майдончаси» Б.б — 3 087 700 сўм, С.б — 3 500 000 сўм.13. Тўрақўрғон тумани, Шаханд ҚФЙ, Ўзбекистон МФЙ, ҳудудида жойлашган 600,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» Б.б — 438 000 сўм, С.б — 900 000 сўм.14. Учқўрғон шаҳар, Чек МФЙ, ҳудудида жойлашган 150,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Савдо дўкони ва салқин ичимликлар сотиш дўкони» Б.б — 155 045 сўм, С.б — 300 000 сўм.15. Учқўрғон тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Мустақиллик МФЙ, ҳудудида жойлашган 300,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» Б.б — 179 055 сўм, С.б — 300 000 сўм. 16. Учқўрғон тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Мустақиллик МФЙ, ҳудудида жойлашган 600,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Оталар чойхонаси ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» Б.б — 358 110 сўм, С.б — 400 000 сўм.17. Учқўрғон тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Тинчлик МФЙ, ҳудудида жойлашган 400,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» Б.б — 238 740 сўм, С.б — 300 000 сўм.18.Учқўрғон тумани, Фарғоний МФЙ, ҳудудида жойлашган 100,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда Нон ишлаб чиқариш цехи» Б.б — 358 110 сўм, С.б — 400 000 сўм. 19. Учқўрғон тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Истиқлол МФЙ, ҳудудида жойлашган 170,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Чевархона» Б.б — 101 464 сўм, С.б — 300 000 сўм. 20. Учқўрғон тумани, Қўғай ҚФЙ, Қўғай МФЙ, ҳудудида жойлашган 270,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» Б.б — 161 149 сўм, С.б — 300 000 сўм. 21. Учқўрғон тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Мустақиллик МФЙ, ҳудудида жойлашган 600,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» Б.б — 358 110 сўм, С.б — 500 000 сўм. 22. Учқўрғон шаҳар, Чек МФЙ, ҳудудида жойлашган 60,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Савдо шохобчаси» Б.б — 62 017 сўм, С.б — 500 000 сўм. 23. Учқўрғон тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Мустақиллик МФЙ, ҳудудида жойлашган 600,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» Б.б — 358 110 сўм, С.б — 500 000 сўм. 24. Учқўрғон тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Мустақиллик МФЙ, ҳудудида жойлашган 600,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Маҳалла гўзари ҳамда Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» Б.б — 358 110 сўм, С.б — 400 000 сўм. 25. Учқўрғон тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Мустақиллик МФЙ, ҳудудида жойлашган 600,0 кв.мдан иборат ер майдони «Маҳалла гузари ҳамда Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» Б.б — 358 110 сўм, С.б — 500 000 сўм. 26. Учқўрғон тумани, Янгиобод ҚФЙ, Янгиобод МФЙ, ҳудудида жойлашган 750,0 кв.м. дан иборат ер майдони «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» Б.б — 311 402 сўм, С.б — 350 000 сўм. 27. Наманган вилоят, Норин тумани, Кўрғонтепа ҚФЙ, Сирмоқ МФЙ жойлашган 200,0 кв.мдан иборат ер майдони Бир қаватли «Ҳаммом ҳамда Сартарошхона» Б.б — 156 000 сўм, С.б — 500 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
D.Oripov
Musahhih:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:20**
Topshirildi — **21:30**

1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 1215.
13560 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Тахририят ҳисоб рақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ипотека банк» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100